

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 5 (1017) • 2015-yil, 30-yanvar, juma

➤ Фракция йиғилиши

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимизни демократлаштириш ва сиёсий жиҳатдан модернизациялашнинг янги босқичида миллий парламентимиз фаолиятини бугунги замон талаблари даражасида такомиллаштириш ҳамда навбатдаги беш йилликдаги устувор йўналишларини белгилашда дастуриламал бўлмоқда. Кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси, айниқса, сиёсий партиялар ва уларнинг барча даражадаги депутатлик корпуслари томонидан чуқур ўрганилмоқда.



Янги ёндашувлар эҳтиёжи

биз бу талабларга жавоб бера оламиз

➤ Муносабат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Юртбошимизнинг маърузасини тингларканман, кўнглимда фахрли туйғулар билан бир қаторда хижолатпазлик ҳислари ҳам уйғонди.

Мен парламентимизнинг янги аъзоси сифатида зиммамга катта масъулият юклаганини, қайсида маънода, ишонч билдириб, ўзимни сайлаган фуқароларнинг манфаатлари ҳимоячиси эканлигимни тушунаман, албатта. Бироқ давлатимиз раҳбарининг маърузасини тинглаб, депутатнинг миллат, халқ, бугун ва келажак олдидаги бурчини яққол англадим. Замонамиз, давримиз депутатдан ўз фаолиятига янги ёндашушни талаб этмоқда! Хўш, биз бу талабга “лаббай!” дея жавоб бера оламизми? Оқлай оламизми бу ишончини, бу масъулиятни? Эртага, индинга, қолаверса, беш йилдан кейин сайловчиларимиз, электоратимиз, элимиз олдида юзимиз ёруғ бўладими?

асосини қонунлар ташкил этади. Бу — аксиома. Мана, шу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатни Юртбошимиз яна бир бор куйиб-пишиб тушунтираётгани биз, қонун ижодкорларини хижолатга солмай қўймайди.

Ахир, тасаввур этиб кўринг: ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг атиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинган. Ана шу қонунларнинг ҳам бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир.

Бу, менимча, профессионал парламент учун сира-сира ярашмайдиган даражадаги паст кўрсаткич... Шу сабабли ҳам замоннинг ўзи депутатларнинг профессионал даражасини оширишни талаб этмоқда.

Мана, шу саволлар мени қийнайди...
Биз ҳаммамиз “Мустақиллик — бу ҳуқуқ” деб таққорлашни хуш кўраемиз. Ҳуқуқ эса қонунларга таянади. Қоғоздаги эмас, амалдаги қонунларга. Зеро, давлат бошқаруви

2 ➤

3 ➤

Амалий фаолиятимизнинг янги асослари муҳокама этилмоқда

Кўни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” сotsial-демократик партияси фракциясининг йиғилиши ҳам маърузада билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш, унда қайд этилган дастурий кўрсатма ва тақлифлар асосида партия фракцияси ва маҳаллий депутатлик бирлашмалари олдида турган вазифаларни

белгилаб олиш ҳамда фракция фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга бағишланди. Тадбирда партия фракцияси ва Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, Марказий аппарати масъул ходимлари, экспертлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракция-

си раҳбари Наримон Умаров бошқариб борган йиғилишда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида Олий Мажлис фаолияти бугунги замон талаблари нўқтаи назардан чуқур таҳлил этилди, парламент ислохотларини янада чуқурлаштириш, депутатларнинг профессионал фаолиятини кучайтириш ва қонун ижодкорлиги сифатини оширишга

доир вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, давлат бошқарувида парламентнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда унинг роли ва аҳамиятини ошириш юзасидан танқидий-таҳлилий фикрлар илғари сурилди.

Қабул қилинаётган қонунлар сифатини ҳамда ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини ошириш, қонун лойиҳалари, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳа-

миятини жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этиш, ушбу жараёнга олимлар, юқори маънавият мутахассис ва экспертларни жалб қилиш, парламент назорати самарадорлиги, парламент палаталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, халқаро майдондаги вазиятга ҳолис баҳоқоришни инobatга олган ҳолда, аниқ позиция ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

2 ➤

➤ 29 март — сайлов куни

Имзо варақаларини тўлдириш

фаоллик билан давом этмоқда

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган тайёргарлик ишлари жадал давом этмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган

номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан имзо варақаларини тўлдиришга доир вазифаларни намунали бажаришга партияимизнинг барча бўғиндаги ташкилотлари, етакчи ва фаолларимиз алоҳида эътибор ва катта масъулият билан ёндашяпти.

Партияимиз Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги йиғилишида сайловчиларнинг имзоларини тўлаш борасидаги муҳим вазифалар ижроси кун тартибидagi асосий масала сифатида атрофлича таҳлил этилди. Йиғилишда “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Ерناзар Кунназаров олиб борди. Партиянинг Нукус шаҳар ва туман кенгашлари, БПТ раислари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, етакчи ва фаоллар иштирок этган маъруза тадбирда қуйи ташкилотларнинг имзо варақаларини тўлдириш ҳақидаги маълумотлари ўрганилиб, белгиланган миқдордан кам бўлмаган тарзда имзоларни ўз вақтида тўлаш, бунда худудий жиҳатдан қамраб олинганлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди, ҳозирги пайтгача йиғилган имзолар

сонини ҳар бир кунга режада белгиланган миқдорда йиғиллаётгани қайд этилди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 24²-моддасига асосан, маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўлаши мумкин.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок қилишни ташкил этиш ишлари юзасидан партияимизнинг Қорақалпоғистон

Шунингдек, “Адолат” СДПнинг Жиззах, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Бекобод туман кенгашларида бўлиб ўтган йиғилишларда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партияимиздан кўрсатилган номзод учун имзо варақаларини тўлдириш ишларининг бориши таҳлил этилиб, сайловчиларнинг партияимиз номзодини қўллаб-қувватловчи имзоларини ўз вақтидан кечиктирмай, етарли миқдорда тўлашга эришиш юзасидан галдаги долзарб вазифалар кўриб чиқилди.

Шарипа ТОРЕШОВА

Муҳим дастурий кўрсатмалар мажмуи

➤ Таҳлил

Маълумки, сиёсий партия жамият муайян қисмининг, фуқароларининг муштарак қараш, манфаат ва ғоялари асосида тузилган сиёсий бирлашма ҳисобланади. Ҳар бир сиёсий партиянинг асосий мақсади ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашиш, бир сўз билан айтганда, бошқарувда ўз ўрни ва сўзига эга бўлишга эришишдир. Бунинг учун эса, аввало, партиялар ўз электорати, жамият ва давлатнинг ишончини қозона олиши муҳим аҳамиятга эга.

2 ➤

➤ Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Талабаларга бунёдкорлар тухфаси



Андижон машинасозлик институтининг машинасозлик факультети талабалари учун қурувчилар муноси тухфа тақдим қилиши. 2015 йилдан улар янги бинода тахсил ола бошлашди. “Rich trade” масъулияти чекланган жамияти томони-

дан мукамал таъмирланган, 900 ўринга мўлжалланган иншоотда ёшларнинг жаҳон стандартлари асосида, ҳар томонлама пухта билим эгаллашлари учун замонавий шарт-шароитлар яратилган.

5 ➤

➤ Ўзингда бўлса, ўзасан

Бугун қайси бир қишлоқдаги хонадонларга кирсангиз, одамларимиз тўкин ҳаёт кечираётганидан хушнуд бўласиз. Бунинг бир боиси, кўплаб хонадонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарияти томорқанинг ўзида етиштирилади. Рўзғори бутнинг кўнгли тўқ, деб бежиз айтишмаган.



3 ➤

➤ Бешарикда янги бошлангич ташкилот

Бугун 8 мингдан ортиқ маслакдошнинг ўз атрофига бирлаштираган 321 та БПТ фаолият юритаётган Фарғона вилоятида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг дастурий ғоя ва мақсадлари кенг тарғиб этилмоқда.



4 ➤

➤ Мобиль қарамликдан қачон қутуламиз?

Биз кўп ҳолларда ёшларимиз ундоқ, ёшларимиз бундоқ, деб айбни улардан излашга одатланганмиз. Аслида эса, ҳар доим ҳам уларни тўғри йўлга бошлаш, яхши сўз ва амалларимиз билан уларга ҳар томонлама намуна бўлишнинг уйдасидан биз, катталар чиқа олаёмизми?



6 ➤

➤ Қуёшдан қувват олиб...

Олимларнинг таъкидлашларига қараганда, Ерга тушётган қуёш энергиясининг жуда катта қисми коинотга қайтиб, изсиз сингиб кетади. Инсоният эса ҳамон ўта қиммат, биттасининг нархи тахминан 10 миллиард АҚШ долларига етадиган атом электр станциялари қуришда давом этмоқда.



7 ➤

Reklama



2015 йил 22 январда

Moody's

халқаро рейтинг агентлиги

«Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг

рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи

«**БАРҚАРОР**»

Хизматлар лицензияланган



Эътироф

Муваффақиятлар омили

Reklama

бизнес режа туздим. Уни "Микрокредитбанк"нинг мутахассисларига тақдим этгандим, улар лойиҳамни қўллаб-қувватлашди. Зарур маблағни ажратишга қарор қилишди. Шу билан ўз бизнесимни йўлга қўйиб олдим.

Корхонамизда ҳозирда болалар кийим-кечаги ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 10 киши иш билан таъминланди.

Ҳозир мазкур молия муассасасининг мижози сифатида шу нарсага амин бўлдимки, банкни танлашда адашмаган эканман. Нема деганда, ҳар сафар маблағ ёки молиявий жиҳатдан маслаҳат зарур бўлса, банк ходимларига мурожаат этаман. Улар бу борада ёрдамларини аямайди, албатта. Бунинг устига банк томонидан ажратилаётган сармоялар имтиёзли. Қайтариш шартлари оддий. Бу эса тadbиркорлар, айниқса, эндигина шу соҳага қадам қўяётган ёш ишбилармонлар учун айна муддаодир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, "Микрокредитбанк" сармоялари, албатта, ўз самарасини беради.

Насиба НИЁЗОВА,

Сайхунбод туманидаги "Сардор Текстиль Бизнес" хусусий корхонаси раҳбари



Ўзгача оғам сўроқ

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Исрол ҚАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖЎРАЕВ
Мухаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МЎМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибиёт — 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва хаёл бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Дилором Маткаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов


«Adolat»дан кўчириб бош шох тахририят ружхати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чинқорол тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Маълумот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рожкам билан
2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5237



1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Молия муассасаларида
**Сармоялар фаровонликка
ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА**

Миллий иқтисодиётимизнинг муҳим бўғини — аграр секторни изчил ва барқарор ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқларимизни обод қилиб, минглаб иш ўринлари ташкил этаётган фермерларни қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг муҳим масалалардан биридир.



Бу борада мамлакатимизда фаолият олиб бораётган молия ташкилотлари — банкларнинг кредитлаш сиёсати ўзини тўла оқламоқда. Банк кредитлари кўмағида фермерларнинг иқтисодий ўсишдаги улуши тобора ортиб бораётди. Ана шундай кенг саъй-ҳаракатларни юртимизда йилдан-йилга ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми кескин ортиб бораётганида кузатишимиз мумкин. Бу, ўз навбатида, аҳоли даромадларининг ўсиши билан бир қаторда қишлоқ инфратузилмасининг ривожланишига ҳам хизмат қилаяпти.

Жумладан, «Агробанк» АТБнинг Самарқанд вилоят ҳўжарафининг Самарқанд вилоят ҳўжарамасининг самарали фаолияти қишлоқ мулкдорлари ишончини қозонмоқда. Бундан ташқари, бошқарма нафақат фермерларни молиялаштирибгина қолмай, жойларда хусусий тadbиркорлик субъектларининг лойиҳаларига ҳам кредит ажратиш бўйича ишларни амалга ошириб келмоқда.

«Агробанк» АТБ Самарқанд вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан 2014 йил давомида мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш учун 5 миллиард сўм миқдорига кредитлар ажратди.

Хизматлар лицензияланган

Молиялаштирилган лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида эса вилоятда ўтган йилда 690 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, сармоялар асосан саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо-воситачилик, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш каби соҳаларни ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ жойларда замонавий минитехнологияларни жалб этиш лойиҳаларига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Ишбилармон-tadbиркорлар ишончини қозонган банк муассасаси бугун миқозлар эътирофига ҳам сазовор бўлиб улгурди. Кенг қамровли истиқболли ҳамкорликда иш олиб борилатганини банк миқозлари томонидан билдирилаётган кўйидаги фикрлардан ҳам билса бўлади.

Розия БОТИРОВА, Пахтачи туманидаги «QORA MUSTANG» хусусий фирмаси раҳбари:

— Тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни бир неча йил аввал ўз олдига мақсад қилган эдим. Ишни ташкил этиш бўйича мазкур молия ташкилотига мурожаат қилганимдан сўнг мавжуд имкониятлардан омикорлик билан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бунда, албатта, менга банкнинг молиявий кўмаги асқотди. «Агробанк»нинг Пахтачи филиали ме-

Абдуғани СОДИҚОВ,
«Adolat» мухбири

БАХТ ХУСУСИДА ҲИҚМАТЛАР

- Бахтли одамлар бошқаларни ҳам бахтли кўришни истайдилар. **М.Твен**
- Энг бахтиёр дамларни мен уйда, оилам даврасида ўтказганман. **Т.Жефферсон**
- Бахтли бўлиш — бу биз ўрганишимиз лозим бўлган машқдир. Мен тез-тез ўзимга «Менинг уйим бор, қимдир сева оламан. Севимли касбим бор. Демак, мен бахтиёр одамман!» деб тасалли бераман ва чиндан ҳам ўзимни бахтли ҳис қиламан. Агар бизни бахтли қиладиган яна нимадир бўлса, менга айтинг. **Г.Форд**
- Бахт — сен гапирётган сўз, ўйлаётган ўй ҳамда қилаётган ишининг ўртасидаги уйғунликдир. **М.Ганди**
- Билим — бахтиёрликнинг бошланғичи. **Ж.Сантаяма**
- Ҳаётда бирдан-бир чин бахт — севиш ва севилиш. **Ж.Сэнд**
- Ҳар кимнинг ҳаётининг нашъали палласи бўлади. Бу палла уларга яшашда давом этишда ёрдам беради. **А.Камью**
- Донолик — бахтнинг энг олий кўриниши. **Софокл**
- Кечериш — муҳаббатнинг энг ғўзал кўриниши. Унинг эвзига сиз хотиржамлик ва бахтиёрликка эга бўласиз. **Р.Мюллер**
- Мустақил кишиларгина бахтли бўлади. **Аристотел**
- Ҳар кимнинг ҳаётдан истаги энг юксак ҳамда бардавом бахтиёрликдир. **Спиноза**
- Бахтиёрлик одам ва у яшаётган ҳаётнинг ўзаро уйғунлигидан бўлак ҳеч нарса эмас. **Д.С.Рэт**
- Бахтиёрлик — ҳар дақиқани муҳаббат, шукр ҳамда бағрикенглик каби маънавий фазилятлар билан яшаш дегани. **Д.Вэйтлей**
- Ҳақиқий буюклик меҳр-оқибатда бўлади. Чин донолик бахтиёр юракда яшайди. **Э.Вилкокс**
- Ҳаётда бирдан-бир чин бахт — севиш ва севилиш. **Ж.Сэнд**
- Донолик — бахтнинг энг олий кўриниши. **Софокл**
- Мустақил кишиларгина бахтли бўлади. **Аристотел**
- Нуқул бахт излаганинг билан бахтиёр бўлмайсан. Ҳаётдан фақатгина маъно изласанг, яшай олмайсан. **А.Камью**

Qishloq Qurilish Bank

Фаровон ҳаётингиз хизматида!



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши